2013 ЙИЛ 4 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (12.335)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Қарор ва ижро

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимиздаги немис тилига ихтисослашган 60-умумтаълим мактабининг 15 нафар ўқитувчиси Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Интерфаол доскалар билан ишлаш мураббийи» йўналиши бўйича ўқитилди. Бу эса ўқув муассасасида хорижий тилларни ўзлаштириш жараёнига энг замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имконини беради. Хусусан, интерфаол доскалар имкониятларидан фойдаланиш хорижий тилларни ўқитишни янада самарали ва сифатли бўлишини таъминлабгина қолмай, уни ҳар бир болани қизиқтириб қўядиган завқли ўйинга айлантиради.

Барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологиялари ва техник тараққиётнинг жадал ривожланаётганини ҳисобга олсак, хорижий тилларни ўзлаштириш кишиларнинг муомала маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилаётганини кўрамиз. Шу боис, замонавий ахборот технологиялари ва медиа-технологиялардан фойдаланган ҳолда, умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда ўқув жараёнини янада самарали ва қизиқарли бўлишига хизмат қиладиган ўқитишнинг инновацион усулларини жорий қилиш катта аҳамият касб этади. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим йўналишлардан биридир. Зеро, кичик ёшдаги болалар хорижий тилларни осонроқ ўзлаштириши ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан чет тиллар умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш бўйича босқичма-босқич ўқитила бошланади. Мазкур ўзгаришларни амалга оширишда хорижий тилларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари муҳим роль ўйнайди. Немис тилига ихтисослашган 60-умумтаълим мактаби шулар жумласидандир.

– Бугунги кунда чет тилларини билиш кишига чексиз имкониятлар эшигини очади, унинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради, – дейди 60-умумтаълим мактаби директорининг ўринбосари Т.Романова. – Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг чет тилини пухта ўрганишини истайди, шу боис, болаларини хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган мактабларга беришга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда мактабимизда 2273 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактабимизда немис тилини ўргатишга бошқа умумтаълим мактабларига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади ва кўп вақт ажратилади. Ўқув даргоҳимизда юқори малакали мутахассислар, биринчи ва олий тоифали ўқитувчилар дарс беради, уларнинг дарслари эса ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

(Давоми 3-бетда)

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида унга қарашли корхоналарнинг 2012 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда барча корхоналарнинг иш натижалари тақдим қилинди.

Саноат

КИМЁ САНОАТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугунги кунда йирик ишлаб чиқариш, хомашё ва илмий-техник салоҳиятга эга Ўзбекистон кимё саноати мамлакатимизнинг етакчи иқтисодий тармоқларидан бирига айланди. Ушбу тармоқ республикамиз иқтисодиётига ва унинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кимё саноатини изчил ривожлантириш, корхоналар қувватидан самарали фойдаланиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг техник ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Раҳмат Ўсаров. – Компаниямиз Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналарини бирлаштирувчи яхлит тузилмадир. У кимё саноати корхоналарини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқариш, инновацион ва маркетинг дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, шу орқали бутун тармоқни барқарор ривожлантиришга шарт-шароит ва замин яратади.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга ошириладиган барча ишлар, жумладан, илмий тадқиқотлар, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар, мамлакатимиз кимё тармоғини ривожлантириш бўйича комплекс сиёсатни юритишга хизмат қилади. Компаниянинг ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистоннинг кимё маҳсулотларига бўлган ички талабини тўла таъминлаш ҳамда доимий асосда уларни экспорт қилиш имконини беради. Фақат ўтган йилнинг ўзида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари томонидан 1 560,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 103 миллиард сўмликдан зиёди халқ истеъмоли молларидир. Бу олдинги ишлаб чиқариш суръатига нисбатан ўсиш 142 фоизни ташкил этганидан далолат беради. Тармоқ корхоналарида амалга оширилаётган модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишлари шундай юқори кўрсаткичларга эришиш имконини бераётир. Хусусан, «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобига йилига 270 минг тоннагача карбамид ишлаб чиқаришга эришилди. Деҳқонобод калий ўғитлари заводининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати 20 минг тоннага кенгайтирилди. Компания томонидан янги маҳсулот турлари, айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётининг кўплаб тармоқлари учун зарур маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилаётир. «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида «Uz-COR silicon» янги қўшма корхонаси бунёд этилди. Мазкур корхонада республикамиз электр техника саноатини ривожлантириш ҳамда муқобил энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган техник кремний ишлаб чиқарилади. Ҳозиргача бу ерда 800 тонна техник кремний ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда компания корхоналарида минерал ўғитлар, сунъий толалар, полимер материаллар, энергетика, кимё, тоғ-кон саноати учун зарур бўлган кимёвий реагентлар, ўсимликларни ҳимояловчи воситалар, дефолиантлар, пахта экишда қўлланиладиган плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Бунда мамлакатимиздаги мавжуд хомашё ресурслари ва жаҳон бозорида минерал ўғитларга бўлган ўзгарувчан талабга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кимё саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида ўтган йили компания корхоналари томонидан бир миллион 200 минг тоннадан зиёд минерал, азот, фосфор ва калий ўғитлари ишлаб чиқарилди. Бу 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Роман БОНДАРЧУК

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу, аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир.

2013 йил — Обод турмуш йили

ОСУДА ВА ОБОД МАҲАЛЛА

Жамиятимизда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётгани аҳоли фаровон турмушини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган Гуручариқ маҳалласи ана шундай обод ва осуда масканлардан.

– Маҳалламизда фаолият юритаётган иккита тикувчилик цехида йигирма нафар хотин-қиз меҳнат қилади, – дейди Гуручариқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирвоҳид Маърупов. – Кўпчилик оилалар ҳунармандчилик билан шуғулланади. Ўз ҳунарларини кўни-қўшнилар, ёшларга ҳам ўргатишади. Яқинда анчадан бери фаолият юритмаётган чинни заводи биносининг бир қисмини ҳашар йўли билан қайта таъмирладик. У ерда қандолатчилик цехини ишга туширяпмиз. Тез орада яна кўплаб ёшларимиз ишли бўлади.

Гуручариқлик ганчкор уста Неъмат Юсупов билан маҳалладошлари фахрланади. Неъмат ака яратаётган ижод намуналари нафақат пойтахтимиз, балки хорижда ҳам донг таратган. У бир неча бор миллий ва халқаро танловларда совриндор бўлган. Бугунги кунда уста ўз ҳунарини ёш авлодга қунт билан ўргатмоқда.

Гуручариқ маҳалласидаги 182-милиция таянч пункти 2012 йилда ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

– Маҳалламизда ёшлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди 182-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, капитан Нодир Орипов. – Улар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, касб-ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиб чиниқиши учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий талабларга жавоб берадиган учта болалар майдончаси, болалар спорт мажмуаси ва 28-умумий ўрта таълим мактаби спорт базаси болалар ихтиёрида.

Яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли шу маҳаллалик Абдушукур Худойбердиев 2012 йили ўсмирлар ўртасида Қозоғистонда таэквандо бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Футбол бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Беҳзод Бегматов кумуш медаль соҳиби бўлди. Маҳалла волейболчи қизлари ҳам пойтахт миқёсида ўтказилган мусобақада совринли ўринни қўлга киритган.

Маҳаллада маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, кичик ва оилавий бизнес шохобчалари ривожланмоқда. Тадбиркорлар нафақат ўз хонадони, балки бошқаларга ҳам намунали хизмат кўрсатиб, кўпчиликнинг кўнглини обод этмоқда. Булар юртимиздаги тинчлик-осойишталик туфайлидир. Зеро, осудалик бор жойда ободлик бўлади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат касб-ҳунар коллежида «Одам савдоси — аср вабоси» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академиясида «Фикрлар парвози» каталогининг тақдимоти ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** миллий кутубхонасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборотлар олиш, кенг салоҳиятли шакл ва методларни танлаш имкониятини таъминлайдиган «natlib-service» дастури ишга туширилди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти фермерлар кенгашлари аъзоларининг ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда фермерлар, соҳага оид мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Семинарда Президентимиз раҳнамолигида аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фермер хўжаликларини тараққий эттиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

● Фарғона вилояти Риштон туманида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда вилоят солиқ, адлия бошқармалари масъул ходимлари, тадбиркорлар, тижорат банклари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Анжуманда адлия, солиқ, банк тизими мутахассислари томонидан оилавий бизнес вакилларига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар, афзалликлар ва имкониятлар ҳақида зарур маълумот ва тавсиялар берилди.

● Самарқанд шаҳрида солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишларини амалга ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда 2013 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ, мамлакатимизда амалда бўлган айрим қонун ҳужжатлари ҳамда Солиқ кодекси меъёрлари бир-бирига мувофиқлаштирилгани таъкидланди.

● Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрида «Наврўз ялласи – 2013» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ўн еттита бадиий ҳаваскорлик жамоалари ғолиблик учун ўзаро беллашди. Иштирокчиларнинг чиқишларида инсонни бунёдкорлик ва эзгуликка руҳлантирувчи миллий қадриятларимиз, Наврўзнинг боқий шукуҳи ва юрт гўзаллиги тараннум этилгани тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ЖАҲОНДА

● Мексика пойтахти Мехико шаҳридаги «Пемекс» нефть ва газ компанияси қароргоҳида кучли портлаш содир бўлди. Натижада 25 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқин одам тан жароҳати олди. Ушбу фожиа 54 қаватли бинонинг ертўласида жойлашган кичик электр станциясида юз берган. Дастлабки тахминларга кўра, бунга газнинг сизиб чиқиши сабаб бўлган.

● Жанубий Африка Республикасида йирик темир йўл ҳалокати рўй берди. Иккита йўловчи поездининг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 200 киши тан жароҳати олди. Улардан 20 нафарининг аҳволи оғир. Маълум бўлишича, поездларнинг бири темир йўл станциясида анча вақт туриб қолган. Ортидан келаётган бошқа поезднинг унга келиб урилиши оқибатида ҳалокат юз берган.

● Жанубий кореялик мутахассислар яқинда коинотга муваффақиятли парвоз қилган STSAT— 2C сунъий йўлдош ва Теджондаги Корея илғор фан ва технологиялар институти қошидаги сунъий йўлдошларнинг тадқиқот маркази ўртасида барқарор алоқа ўрнатилганлигини тасдиқладилар. Сунъий йўлдошдан унинг коинотдаги ҳаракатланаётган жойи, фойдаланаётган электр қуввати, кемаининг ташқи ва ички ҳарорати ҳақида маълумотлар олинди. Эндиликда бир йил давомида сунъий йўлдош Корея ярим ороли устидан учиб ўтаётганда алоқа сеансларининг кунига 3-5 марта амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

«Ўзстандарт» агентлиги шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси шаҳар ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатасининг шаҳар ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда беш кун давомида «Иқтисодиёт тармоқларида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг роли» мавзусида семинар-тренинг ўқув курсларини ташкил қилди. Унда пойтахтда фаолият юритаётган 300 дан зиёд корхоналар раҳбарлари ва ҳокимликнинг мутасадди ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС БЎЛИШ
йўлида амалга оширилаётган ишлар

Ўқув курси дастури «Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастур бўйича семинар иштирокчилари соҳага оид асосий қонун ва қарорлар билан яқиндан танишдилар. Семинар-тренингда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, сифатни бошқариш тизимларининг роли ва аҳамияти, жаҳон андозаларига мос юқори сифатли ва хавфсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни таъминлаш бўйича халқаро интеграция масалалари чуқур ўрганиб чиқилди. Шунингдек, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлаш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар, маҳсулотни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур ахборотлар берилди.

«Ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида сертификатлаштириш, сифатни бошқаришнинг аҳамияти» мавзусида маъруза қилган «Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-текшириш институти катта илмий ходими Н. Никишина шундай дейди: — Мамлакатимиздаги 6078 та ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулотнинг сифати борасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 64 фоиз корхона маҳсулотлари ички бозорга мўлжаллангани, шунинг учун аниқ бир ўлчамга мос келиш шарт эмаслигини маълум қилган. 83 фоиз корхона эса сифатни бошқариш тизими, сертификатлаштириш зарур эмаслиги, чунки улар маҳаллий бозорга ишлаётгани ёки хорижлик ҳамкорлар буни талаб қилмаслигини таъкидлаган. Корхоналардаги синов лабораторияларининг таҳлили шуни кўрсатдики, 53 фоиз корхонада умуман лабораториялар мавжуд эмас, 33 фоиз, яъни 2013 та корхонада эса шартнома бўйича синовлар ўтказилар экан. 2012 йилнинг 9 ойи давомида 233 та корхонага норматив ҳужжатларни бузганлиги учун 1,3 млрд. сўм миқдорида жарима солинган. Маъмурий қоидабузарлик учун эса 227 нафар шахсдан 24,2 млн. сўм миқдорида жарима ундирилган. Албатта, келгусида барча корхоналарнинг маҳсулот сифатига муҳим эътибор қаратиши, товарларнинг тегишли стандартларга мос ва сертификатланган бўлишига эришиш долзарб масалалардан биридир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи семинарда иштироки давомида маҳсулот ва хизматни стандартлаштириш нима учун керак, у қандай тайёрланади, ким томонидан тасдиқланади, қаерда рўйхатдан ўтказилади каби кўплаб ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ўқув курси сўнгида уларга мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар берилди.

Шаҳнозахон ҚУДРАТХЎЖАЕВА

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида янги «e-Hujjat» тизими – Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат»ни босқичма-босқич жорий этишдаги навбатдаги қадам» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда тизимнинг янги такомиллаштирилган талқини тақдим этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, БМТ тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси ҳамда «UNICON.UZ» маркази томонидан ташкил қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш масаласи долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистонда давлат бошқарувининг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган қатор ислоҳотларни келтириш мумкин.

Тадбирда электрон ҳужжат айланиш тизими «Электрон ҳукумат» лойиҳасининг асосий элементларидан бири эканлиги, ушбу тизимни муваффақиятли йўлга қўйиш фақат давлат ҳукумати ва бошқарув органлари, хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни таъминлабгина қолмай, балки мамлакатда ахборот жамиятини шакллантиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Янги лойиҳани ҳаётга жорий этиш жараёнида «UNICON.UZ» маркази томонидан вазирлик ва идораларни ягона ҳимояланган «e-Hujjat» тизимига узвий боғлаш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Ҳозирги кунда 150 дан зиёд ташкилотлар, шу жумладан, давлат ташкилотлари ушбу тизимга уланди.

Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «UNICON.UZ» маркази Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик қўшма лойиҳаси кўмагида «e-Hujjat» тизими такомиллаштирилди.

Қўшма лойиҳа доирасида Жиззах ва Наманган вилоятларида «e-Hujjat» тизими татбиқ этилди ва бу ҳудудларда тизимни қўллаш, АКТ техникаларини сотиб олиш ва тизимнинг янги такомиллаштирилган талқинини яратиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

«e-Hujjat» тизимининг янги тахрири замонавий меъёрлар ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, қонуний-меъёрий ҳужжатларни тезкор айирбошлаш, иш юритиш тизимини автоматлаштириш, ягона қайд қилиш тизимини яратиш ҳамда ҳужжатлар тартиби ва ижросини назорат қилишга ёрдам беради.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Пойтахтимизда доимо эрта баҳор фаслидан бошлаб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилади. Жумладан, ўтган йили ҳам шаҳримиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уй-жой фондини мавсумга тўлақонли тайёрлаш бўйича талай ишлар амалга оширилди.

МАХСУС ДАСТУР АСОСИДА

Жумладан, Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ҳамда кўчаларнинг тоза ва озодалигини сақлаш, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Тумандаги жами 18 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган 87 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари туманда 7 та бошқарув сервис компаниялари ташкил этилган бўлиб, уларнинг халққа хизмат кўрсатиш ишлари даражаси кўтарилган. Кўп қаватли уйлар 477 та бўлиб, умумий хонадонлар сони 20.665 тани ташкил этади.

Жойлардаги масъул ходимларнинг ва уларга бириктирилган ҳудуд раҳбарларининг асосий эътиборлари кўчаларни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, маҳаллаларда жойлашган асосий муҳандислик-коммуникация тармоқларининг қиш мавсумида барқарор ишлаши, табиий газ, электр энергияси таъминотидан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун дебиторлик қарздорликларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлари ишлаб чиқиш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда маҳсулотлар заҳирасини яратишга йўналтирилган махсус дастурга амал қилишга қаратилган.

Хусусан, Яккасарой туманида жойлашган тижорат банкларини мақсадли йўналишда маҳаллалар, турар жойлар ва бошқа ижтимоий соҳадаги объектларга бириктириш ишлари ҳам самарали натижа бермоқда. Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган экан, инсон шаъни, қадр-қиммати эъзозланган юртда албатта фаровонлик, хотиржамлик ва энг асосийси, тинчлик барқарор бўлади.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази
Яккасарой тумани раҳбари

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Шаҳримизда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини намунали ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли меҳнат жамоалари касаба уюшмаси қўмитаси бўлимлари ҳам бу борада фаоллик кўрсатиб келишаётганликларини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

— Ишчиларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш мақсадида иш ва тиббий-маиший шароитлар яратилмоқда, — дейди корхона касаба уюшмаси аъзоси Фозил Собиров. — Масалан, «4-автохизмат» корхонасида 40 та жойга мўлжалланган санитар-маиший комплекс ташкил этилди. «8-автобус депоси» ҳузурида эса замонавий воситалар билан жиҳозланган синфхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда уюштирилган меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоат назоратини ташкил этиш бўйича кўрик-танловда шаҳар тармоқ корхоналари фаол қатнашдилар. «8-автобус саройи»нинг меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назорат комиссияси совринли ўринни қўлга киритди.

Бундан ташқари тармоқ ходимлари учун санитар-тиббий шароитлар яратиш, уларни махсус кийим-бош, ювиниш воситалари ва сут билан таъминлаш масаласи ҳам ижобий ҳал этилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Кундан кунга чирой очиб бораётган шаҳримизнинг таровати баҳор келиши билан янада очилиб кетади. Шаҳар аҳли умид билан қадаётган ҳар бир ниҳолининг келажакда фарзандлари роҳатига ярашидан мамнун. Зеро, «Умрингдан бир кун қолса ҳам боғ ярат!» дейди доно халқимиз.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ:
ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Баҳор мавсуми арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, шаҳримизда санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида жойларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг хизматлари бекиёс. Ушбу ташкилотларда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг фидокорона меҳнати туфайли шаҳримиз янада чирой очмоқда. Пойтахтимизнинг барча туманларида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Дарахт ва гул кўчатларини экиш ишлари қизғин паллага кирмоқда.

Олмазор туманига ташрифимиз чоғида буларнинг барига гувоҳ бўлдик. Туман ободончилиги ва унинг кўркига кўрк қўшишда, мевали ва манзарали кўчатлар билан таъминлашда Олмазор туман ободонлаштириш бошқармаси муҳим ўрин тутади.

— Ота-боболаримиз азалдан ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келишган. Ана шу қадрият мустақил юртимизда ўз ифодасини топаётир. Пойтахтимизнинг экологик муҳитини ва санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш мақсадида кўплаб тозалик тадбирлари, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси кўкламзорлаштириш бўлими бошлиғи Файзулла Мамараимов.

— Туманимизни бадиий безаш, кўкламзорлаштириш ва йўл иншоотларини тартибга келтириш ишлари қизғин давом этмоқда. Кичик Ҳалқа йўли, Сағбон, Қорақамиш, Шифокорлар кўчаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ишчи-ходимларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар натижасида пойтахтимизда экологик мусаффолик таъминланмоқда, яшил ҳудудлар майдони кенгайяпти.

Кўча ва йўл бўйларига манзарали дарахтлар экиш, кўкламзорлаштириш ва йўл иншоотларини тартибга келтириш ишлари тақсинга сазовор. Буларнинг бари пойтахтимизни янада гуллаб-яшнашига замин яратади.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Фармон ва ижро

ЭЛЕКТРОН ҚАБУЛХОНА – ТАДБИРКОРГА КЎМАК

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Олий хўжалик суди ҳамкорлигида тадбиркорлик субъектлари билан хўжалик судлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, Марказий банк, Олий хўжалик суди, Савдо-саноат палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси М.Тешабоев, Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Ш.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити шаклланган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги кафолатларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорларнинг банкдаги ҳисоб варақларига масофадан хизмат кўрсатиш, «Интернет-банкинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, юкларни божхонада расмийлаштириш, юридик шахсларнинг кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқларини «ягона ойна» тамойили бўйича рўйхатга олиш, даъво аризалари ва илтимосномаларни хўжалик судларига бериш каби тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш учун шароитлар яратилди.

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтади. Бу тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежаш билан бирга, ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олади.

Жорий йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида шикоят аризалар ва илтимосномаларни қабул қилиш бўйича марказлашган дастур жорий этилгани тадбиркорлар учун катта қулайлик бўлди. Олий хўжалик суди расмий сайтида жойлаштирилган «Электрон қабулхона» тизимида ҳужжатлар электрон шаклда қабул қилинмоқда.

Тадбирда электрон ҳужжат айланиши мониторингини юритиш, бепул маслаҳатхоналар ташкил этиш, Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда тегишли услубий қўлланмаларни яратиш ва тарқатиш хусусида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА ТУЗИЛГАН ЛУҒАТ

Компьютер ёрдамида тузилган бу луғат тезда оммалашиб кетди. У «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати» деб номланди.

Бундай оммабоп нашрнинг яратилишида ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг 1987-1989 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган беш жилдлик «Асарлар тўплами» асос қилиб олинди.

Ҳар бир жилди юзасидан алоҳида-алоҳида лингвистик тадқиқотлар олиб борилди. Компьютерда тузилган бу луғатда ўзбек тилининг луғат бойлиги кўзга ташланади.

ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ КЎМАГИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Васийлик Кенгаши Тошкент Ахборот технологиялари университети кафедра ва лабораторияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга ҳам яқиндан бош қўшмоқда.

Бу борада «Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедрасига ҳам кўмак берилди. Оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари, ахборотга ишлов беришнинг оптик усуллари ва воситалари фанлари бўйича лаборатория маълумотларига ҳам эга бўлинди. Шунингдек, 20 га яқин техник ускуналар олинди.

ВИРТУАЛ ЭЛЕКТРОНИКА

Республикамиз алоқачилари соҳага оид яна бир ўқув адабиётидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

«Виртуал электроника» деб номланган бу нашрда электр ва электрон схемаларни ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг ёритилди. Лаборатория машқларини олиб боришнинг афзалликлари ҳам ўз ифодасини топди.

Зафар НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мактабда немис тили дарслари иккинчи синфдан бошлаб ўқитилади. Ушбу фан учун ҳафтасига олти соат ажратилган. Оддий умумтаълим мактабларидан фарқли равишда, бу ерда болаларда муайян луғат бойлигини шакллантириш ёки грамматика қоидаларидан тўғри фойдаланишга эришиш бош мақсад этиб қўйилмайди. Энг аввало, болалар немис тилида сўзлашишни, ундан кейин эркин мулоқот қилишни ўрганиши лозим. Ўқитиш тизими тўла банд бўлиш ва автоматик тарзда эслаб қолиш принциплари асосига қурилган. Дарслар немис тилида ўтилади, болалар зарур сўз ва ибораларни автоматик тарзда эслаб қолади ва грамматикани ўзлаштириб боради.

Ўқиш жараёни бир неча босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич якунида болалар имтиҳон топширади ва таълим жараёни якунида уларга тегишли диплом берилади. Давлат аттестатидан ташқари уларга сертификат ҳам топширилади. Унинг асосида тўққизинчи синфни тугатган битирувчилар тил йўналишидаги хорижий ўқув муассасасига немис тилидан имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқига эгадир.

Мактабдаги машғулотлар барча замонавий ахборот ва медиа технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

– Ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда уларни ўқув жараёнига янада интеграциялаш ўқитишнинг янги услубларини яратишда улкан имкониятлар очади, – дейди немис тили ўқитувчиси И.Магда. – Кўплаб ўқувчиларимиз интернетдан фойдалана олади, бу уларга дарсларга тайёрланиш, қўшимча адабиёт ва дарсликлар, ўқув сайтларини топишда қўл келади. Мактабимизнинг айрим ўқувчилари тил ўрганиш бўйича онлайн курсларда ҳам шуғулланади. Мен одатда болаларга ижодий топшириқлар бераман. Бунда болалар бир нечта мавзу орасидан биттасини танлаши лозим. Ўқувчи шунинг асосида интернетдан материал топади ва немис тилида матн тузиб, ўз ишини слайд-шоу шаклида тақдим этади.

(ЎзА)

Аскар Ёкубов (ЎзА) олган суратлар

НУРОНИЙЛАР — ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев ва бошқалар мамлакатимизда фахрийларни моддий-маънавий ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшлар таълим-тарбиясида уларнинг бой тажрибасидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Нуронийларни қадрлаш, оила ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофазалаш – доимий эътиборда. Хусусан, пенсия ва нафақалар муттасил ошириб борилмоқда, тегишли давлат дастурлари доирасида бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Нуроний» жамғармаси томонидан ижтимоий ҳимояга олинган ёлғиз кексаларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатлиги яхшиланди. Бир ярим минг нафардан зиёд ёлғиз кексалар ногиронлик аравачаси ва эшитиш мосламалари билан таъминланди. Шунингдек, 4,7 минг нафардан зиёд ёлғиз кексаларнинг уйжойларини таъмирлаш, «Саховат» ва «Мурувват» уйларидаги фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича хайрия тадбирлари ташкил этилди. Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан ўттиз уч мингга яқин нуронийнинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент каби тарихий шаҳарлар ва муқаддас қадамжоларга саёҳати ташкил этилди.

Жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари, хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда таълим масканлари ва маҳаллаларда уч авлод учрашувлари ўтказилмоқда. Уларда кўпни кўрган отахону онахонлар ўз тақдирлари мисолида ёшларга мустақилликни мустаҳкамлаш, бугунгидек дориломон кунларнинг қадрига етиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва Ватанга садоқат билан яшаш хусусида сўзлаб бермоқда.

Тадбирда бу борадаги ишлар 2013 йилда давом этиши, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик муносабатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда нуронийларнинг иштирокини янада кенгайтириш борасида фикрлашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

«КАМОЛОТ»НИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

«Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимияти боғида «Обод турмуш йили» муносабати билан ёшлар ҳашари ташкил этилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланиши замирида улкан маъно мужассам. Шаҳарларимиз обод бўлсагина турмушимиз фаровон бўлади. Ободлик аввало кўнгилдан бошланади, дейди доно халқимиз. Кўнгли обод киши биринчи навбатда ўзи истиқомат қилаётган хонадонини обод қилади, ундан сўнг эса ўзи яшаётган маҳалласини, туманининг озодалигига эътибор қаратади. Шу тариқа юртимиз ободлиги таъминланади.

– Бундай ҳашарларни яккаёлғиз қариялар истиқомат қилаётган хонадонларда уларнинг уй юмушларига қарашиш, кўча ва майдонларга мевали дарахт кўчатларини экиш орқали давом эттиришни режалаштирганмиз, – дейди «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши раиси Б. Зиёвиддинов. – Шу йўл билан шаҳримиз озодалигига ўзимизнинг ҳиссамизни қўшишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Туман ҳудудидаги маҳаллалар, хиёбонларнинг озода ва кўркам бўлишига катта иштиёқ билан ёндашилмоқда. Ерларга ишлов берилиб, дарахтлар оқланмоқда, маиший чиқиндилар олиб чиқилмоқда. Умумий майдони 1,2 гектарни ташкил этувчи туман ҳокимлиги ҳовлиси ва унга туташган боғда ҳам «Камолот» фаоллари томонидан дарахтлар оқланди. Боғ атрофи кузги хазонлар, маиший чиқиндилардан тозаланиб, махсус чиқинди йиғиш шохобчасига етказилди.

Обод турмуш йилида юртимизда ободонлаштириш ва ораста-лаш ишлари янада кенгроқ йўлга қўйилгани барчамизни қувонтириши бежиз эмас. Мана шундай меҳнатсевар ўғил-қизлар сафи янада кенгайишида эса «Камолот» ЁИҲнинг ҳиссаси каттадир.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Ҳукм ўқилди

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор жиноятларда айбланаётган 1976 йилда Навоий вилоятида туғилган Улуғбек Аманов, 1988 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган Муҳиддин Бозоров ҳамда 1990 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, аммо ҳеч қандай фуқаролиги бўлмаган ҳолда Сирдарё вилоятида истиқомат қилаётган Олимжон Нурматовлар иши кўриб чиқилди.

Аниқланишича, илгари ҳам 3 бор жиноятлари учун жазо муддатларини ўтаб чиққан судланувчи У. Аманов 2010 йилнинг октябрида Навоий шаҳар Марказий деҳқон бозори олдидаги «Пайнет» шохобчасидан бузғунчилик йўли билан жами нархи 124 минг сўмлик «МТС», «Билайн» ҳамда «Юселл» уяли алоқа воситалари сим карталарини, сўнг эса шохобча ёнидаги «Мирзабек» савдо дўконидан салкам 1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўмарган. Бу ҳам камлик қилгандек, икки кун ўтгач, Бектемир тумани, Водник даҳаси, Ҳ. Бойқаро кўчасидаги автобус бекати олдидан ўтиб кетаётган 1932 йилда туғилган 1-гуруҳ ногирони Владимир Каннинг танасининг турли жойларига жароҳат етказиб, унинг ёнидаги 115 минг сўмлик шахсий буюмларни зўравонлик билан олиб, ширинади.

Тергов жараёни давомида У. Амановнинг яна бир нечта жиноятлари ошкор бўлди. У 2012 йил 20 февраль куни Бектемир тумани, Оҳангарон шоҳ кўчаси, 98-уйда истиқомат қилувчи С. Сайдуллаевга тегишли гараж қулфини бузиб, болгарка, дрель, перфоратор, электр узайтириш сими, «Хюндай» автомогнитоласи ҳамда металл сейф ичидаги 600.000 сўм пул, жами 1.950.000 сўмлик мол-мулкни ноқонуний равишда ўзлаштирган.

Кейинчалик У. Аманов О. Нурматов билан ўзаро тил бириктириб, жиноий режага асосан Чилонзор туманида жойлашган «Бек Барака» савдо мажмуаси олдида 1984 йилда туғилган Х. Ўришев бошқарувидаги «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб, ундан Бектемир тумани, Қўйлиқ ота кўчасига олиб боришини сўрашади. Машина манзилга етгач, орқа ўриндиқда ўтирган О. Нурматов ҳайдовчини ушлаб туради, фурсатдан фойдаланган У. Аманов Х. Ўришевнинг юз қисмига тош билан бир неча маротаба уради. Ҳайдовчи ҳушини йўқотгач, салкам 600.000 сўмлик мол-мулкини ўзлаштирадилар.

Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, дея бежиз айтилмайди. «Ов»лари бароридан келаётганидан руҳланган талончилар — У. Аманов ҳамда О. Нурматовлар худди шу кўринишдаги жиноятни 2012 йилнинг 19 март куни ҳам содир этишди. Бу сафар уларга 1988 йилда туғилган М. Бозоров шериклик қилди. Жиноий гуруҳ Чилонзор туманидаги «Бек Барака» савдо мажмуасидан чиқиб, 1965 йилда туғилган М. Рустамовнинг «Нексия» русумли машинасида Бектемир туманида жойлашган корхоналардан бирига етиб олишади ва ҳайдовчини зўравонлик билан ҳушсиз ҳолатга солиб, машинадаги 1.500.000 сўмлик мол-мулк ва эҳтиёт қисмларни ўмаришади. Жиноий иш юзасидан ўтказилган тиббий экспертизанинг хулосасига кўра, жабрланувчи М. Рустамовда бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши ва бошқа кўплаб жароҳатлар аниқланганлиги маълум бўлди.

Жиноий гуруҳ энди фақат «Бек Барака» савдо мажмуасида ярим тунгача давом этадиган савдо кунлари шу йўл билан ҳайдовчиларни чув тушириб, уларга тан жароҳат етказишни одат қилиб олади. «Матиз» русумли автомобиль ҳайдовчиси Х. Юнусбеков ҳам жиноий гуруҳнинг навбатдаги қурбонига айланди. У. Аманов, О. Нурматов ҳамда М. Бозоровлар 2012 йилнинг 19 март куни ҳар доимгидек Чилонзор туманида жойлашган «Бек Барака» савдо мажмуаси олдида ўзаро келишиб, Х. Юнусбеков бошқарувидаги машинада Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қ.ф.й жойлашган кўчалардан бирига етиб олишади ва ҳайдовчига турли тан жароҳатларни етказиб, унинг қиймати 15 миллион сўмлик автомобилини олиб қочишади. Аммо Х. Юнусбековга ёрдамга етиб келган бир неча киши жиноятчиларни таниб қолгани боис улар машинани пана жойга ташлаб номаълум жойга ширинишади.

Тиббий экспертиза натижасига кўра, Х. Юнусбековга бош мия чайқалиши, бош энса соҳаси санчилган яраси, ўнг елка ва юмшоқ тўқималарнинг лат ейишиши ташхиси қўйилган.

Қиғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийғи чиқади, дейишади. Ниҳоят ушбу жиноий гуруҳнинг қабиҳ ишларига чек қўйилди. Бектемир тумани ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Улуғбек Аманов, Олимжон Нурматов ҳамда Муҳиддин Бозоровлар қўлга олинди.

Суд У. Амановнинг ўз айбига қисман иқрорлигини ҳисобга олиб, Жиноят кодексининг бир нечта моддалари бўйича уни 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. О. Нурматов ҳамда М. Бозоровлар ҳам ўз айбларига тўлиқ иқрор бўлиб, 16 йил давомида панжара ортида ўтирадиган бўлишди.

Ҳамид РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Бектемир тумани прокурори ёрдамчиси
Отабек ОТАЁРОВ,
журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Савдога Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.05.2012 йилдаги 1-345-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Нумизматика» МЧЖ жарима майдонида сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 10D0303, 2003 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 18 676 400 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 12 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 7 март куни соат 18:00.

II. **Шунингдек, 2013 йил 26 февраль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказиладиган савдога такроран,** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.02.2011 йилдаги 2-28/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, ИП «Нобел Фармсаноат» КК майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Даймлер бенц», д/р 15U0077, 1999 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 53 298 000 сўм. 2. «Вольво» русумли д/р 17V6746, 1999 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 41 877 000 сўм. 3. «MAN» русумли д/р 16M6959, 1999 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 57 105 000 сўм. 4. «SCHIMITZ SK-024» русумли д/р 16C616, 1998 йил и/ч ярим-тиркама. Бошланғич баҳоси – 38 070 000 сўм. 5. «SK-24» русумли д/р 19A351, 1995 йил и/ч ярим-тиркама. Бошланғич баҳоси – 33 501 600 сўм. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 22 февраль куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлимлари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 1. № 4160-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. Москвич-412, д/р. 11 T 5619. Бошланғич баҳоси – 732 208 сўм. «Зеромиллер» МЧЖда сақланмоқда. 2. № 4601-сонли ижро ҳужжатига асосан Шевралет Корсика, д/р. 01 U 049 DA. Бошланғич баҳоси – 3 556 062 сўм. 3. № 929-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. Ваз-2106, д/р. 10 R 354 BA. Бошланғич баҳоси – 4 588 140 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланмоқда. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 9209-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч. Газ-31029, д/р. 11 Z 6117. Бошланғич баҳоси – 3 802 571 сўм. «Бекобод савдо» МЧЖда сақланмоқда. 5. Пискент тумани СИБ томонидан 24.12.2009 й. - ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Камаз-5320, д/р. 11 Z 9600. Бошланғич баҳоси – 3 436 187 сўм 24 тийин. Пискент туман «Бунёдкор» МЧЖда сақланмоқда. 6. Бектемир тумани СИБ томонидан 10.02.2011 й. № 1-79 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и/ч. Ваз-2101, д/р. 01 G 971 AA. Бошланғич баҳоси – 1 037 325 сўм 60 тийин. Аукцион савдоси 2013 йил 18 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 7. Пискент тумани СИБ томонидан 13.01.2012 й. — ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. «Беларус-1221.2» русумли, д/р. 1293 ЕЛ. Бошланғич баҳоси – 58 800 000 сўм. ДТ «Халқ банки» Пискент филиалида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 4 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 19 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 7027-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Қодиров кўчаси, 235-уй. Бошланғич баҳоси 77 689 139 сўм. 2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 7656-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ватандош кўчаси, 2-уй. Бошланғич баҳоси 80 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 8537-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ш. Рашидов кўчасида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси 79 651 490 сўм. 4. Қуйичирчиқ тумани СИБ томонидан 12.01.2012 й. № 402-403-404-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Тошовул қ.ф.й., Отажонов кўчасида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси 30 900 000 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к. ҳудудида жойлашган: 5. 1-сонли савдо дўкон, 1 блок. Бошланғич баҳоси 81 351 923 сўм. 6. 2-сонли савдо дўкон, 2 блок. Бошланғич баҳоси 67 847 400 сўм. 7. 3-сонли савдо дўкон, 3 блок. Бошланғич баҳоси 62 490 839 сўм. 8. 4-сонли савдо дўкон, 4 блок. Бошланғич баҳоси 62 490 839 сўм. 9. 5-сонли савдо дўкон, 5 блок. Бошланғич баҳоси 62 490 839 сўм. 10. 6-сонли савдо дўкон, 6 блок. Бошланғич баҳоси 79 372 018 сўм. 11. 7-сонли савдо дўкон, 7 блок. Бошланғич баҳоси 76 270 753 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар 2013 йил 4 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 19 март куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

2013 йил “ 7 ” март **соат 10.00да**

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	31А	“Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ – Чинни бозори бекати”	Автобус
2.	38М	“Ҳувайдо маҳалласи – Ибн Сино мавзеси-2 АШБ”	Микроавтобус
3.	55М	“Қўйлиқ М-4 АШБ – М.Юсуф кўчаси АШБ”	Микроавтобус
4.	73А	“Уйғур кўчаси АШБ – Чинни бозори бекати”	Автобус
5.	78М	“Қорасув-1 мавзеси АШБ – Авиасозлар АШБ”	Микроавтобус
6.	98А	“Бек Тўпи савдо мажмуаси – Электрокабел заводи АШБ”	Автобус
7.	100М	“Ўрикзор мавзеси АШБ – Олой бозори бекати”	Микроавтобус
8.	128М	“Чукурсой темир йўл станцияси бекати – 17-шаҳар шифохонаси бекати”	Микроавтобус
9.	133М	“Қорасув-6 мавзеси – Чорсу савдо маркази АШБ”	Микроавтобус
10.	139М	“Сувсоз мавзеси бекати – М.Юсуф кўчаси АШБ”	Микроавтобус
11.	150А	“Юнусобод 19-даҳаси АШБ – Фарҳод бозори бекати”	Автобус
12.	158М	“Изза мавзеси бекати – Консерватория бекати”	Микроавтобус
13.	163М	“Қўйлиқ М-1 АШБ – Тошкент вокзали АШБ”	Микроавтобус
14.	169М	“Чилонзор 22-даҳаси бекати – Тошкент вокзали АШБ”	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар:

1.	17И	“М.Юсуф кўчаси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ”	Микроавтобус
2.	88М	“Сувсоз мавзеси – Истиқлол кўчаси АШБ”	Микроавтобус
3.	162М	“Авиасозлар АШБ – Аэропорт АШБ”	Микроавтобус
4.	199А	“Қўйлиқ М-2 АШБ – 4-шаҳар қабристони бекати”	Автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ “Infin BANK”даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2004 йил 30 июнда Азизов Бахрамжан Тахирович номига берилган MN№011663 сонли магистрлик дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц»-мавзеси, 1-уй, 2-хонадон учун Каримов Саидқул Хакимкулович номига берилган эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 304-сонли ўрта мактаб томонидан 2009 йилда Қодирова Нафисахон Мансур қизи номига берилган U 4031742 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Яқинда Боку шаҳрининг марказида жойлашган «Zeytun» ресторанида ўзбек миллий таомлари ҳафталиги бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Озарбойжондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва Боку меҳмонлари ҳозир бўлдилар.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ ОЗАРБОЙЖОНДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг йўлланмаси билан юртимизнинг моҳир ва тажрибали пазандаларидан бири — Камолжон Тоғаев ушбу ҳафталикда иштирок этди. Ҳафталик чоғида унинг қатнашчилари нафақат палов, норин, қозон кабоб, лағмон, мастава, сомса, гулхоним сингари ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш, балки уларни тайёрлаш жараёнига бевосита гувоҳ бўлиш ҳамда мутахассислар маслаҳатларини олиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Ушбу тадбир Озарбойжон пойтахти жамоатчилиги вакилларида катта қизиқиш уйғотиб, шаҳар ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида эътироф этилди. Маҳаллий журналистларнинг таклифига кўра, ўзбекистонлик ошпаз К.Тоғаев «Lider» ва «Hazar» телеканалларида маҳорат дарсларини намойиш этди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида ўзбек халқ амалий санъати намуналарининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Юртимизнинг қўли гул усталари ясаган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари маҳаллий аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталикдан олган таассуротларидан ўртоқлашар экан, **«Zeytun» ресторанининг масъул ходими Шомил Саидов** қуйидаги фикрларини билдирди:

– Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли чиқишига шубҳам йўқ эди, аммо шуни тан олиб айтишим жоизки, бундай катта қизиқиш ва акс-садони кутмаган эдим. Тадбирнинг баъзи меҳмонлари ҳар куни ўз оила аъзолари, ҳамкасблари билан келиб турдилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз меҳмонлари ҳам ҳафталикка нисбатан алоҳида қизиқиш билдирдилар. Бу ўзбек миллий таомлари ҳамда маданиятининг бутун дунёда ҳурмат ва эътибор қозонганидан далолат беради.

«Мюзик галлери» компаниясининг бош директори Сергей Сиглов:

– Ўз касбим тақозоси билан маданий тадбирларда тез-тез иштирок этаман. Аммо ушбу тадбир мен учун ўзига хос янгилик бўлди. Таомлар, мусиқа, кўргазма буюмлари – булар-нинг барчаси менга жуда ёқди. Тақдимот мени кўҳна тарихи, бой ва ранг-баранг маданияти ҳамда анъаналари билан бутун дунёга донг таратган Ўзбекистонга фикран саёҳат қилишга ундади.

«Лукойл» компаниясининг Озарбойжондаги ходими Элдор Алибейли:

– Бугунги тадбир давлатлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланишнинг ёрқин мисоли бўлди. Шу маънода, барчамиз Озарбойжон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилишига ишонаман.

«Жаҳон» АА
Боку

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

МУАЙЯН КЎНИКМАЛАРГА ЭГА БЎЛИШДИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан пойтахтимиз туманларида жойлашган умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларида тактик-махсус ўқув машқлари давом эттирилмоқда.

«Ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш кабидир» деб бежиз айтилмаган. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва табиий офат содир бўлганда қандай ҳаракат қилишга ўргатишни болаларга боғча ёшидан чуқур ўргатиб, онгига сингдириб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Жумладан, Ҳамза туманидаги 147-сонли мактабгача таълим муассасасида «Зилзила содир бўлганда, мактабгача таълим муассасаси ходимлари ва тарбияланувчиларни табиий офатдан сақлаш ва хавфсиз жойга кўчириш (эвакуация)» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилишга ўргатиш, шунингдек, тарбияланувчиларда тез ва тўғри ҳаракат қилишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш ва хавфсиз ҳудудни тўғри танлашда малакаларини оширишдан иборат.

Мазкур ўқув машқи икки босқичдан иборат бўлиб, 1-босқичда гуруҳларда тарбияланувчиларни хавфсиз жойга беркитиш ва 2-босқичда уларни хавфсиз ҳудудга олиб чиқиш каби ўқув саволлари бўйича амалга оширилди. Дастлабки босқич давомида 6 та гуруҳдаги, жами 156 та тарбияланувчи ҳамда уларнинг 12 нафар тарбиячисини хавфсиз жойга беркитиш орқали уларнинг ҳаракатлари кузатилди ва камчиликларга тузатишлар киритилиб, бу борада олиб борилган ҳаракатлар талаб даражасига келтирилди.

Навбатдаги босқичда бевосита эрталабки тадбир ўтказилаётган жараён вақтида «ёнғин» (шартли) чиқди. Ана шундай «қалтис» вазиятда мазкур 6 та гуруҳдаги тарбияланувчини уларнинг 12 нафар тарбиячиси раҳбарлигида хавфсиз ҳудудга олиб чиқиш ҳаракатлари бўйича машқ ўтказилиб, бунда асосий эътибор муассаса раҳбари ва тарбиячилар томонидан хавфсиз ҳудудни тўғри танлашларига қаратилди. Тадбир муассаса раҳбар ходимлари, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг фавқулодда вазиятлар, ёнғинлар ва бошқа кўнгилсиз ҳолатлар юзага келганда уларнинг ҳаракатлари такомиллаштирилиб, барча эвакуация ишлари кириш-чиқиш йўлакларидан фойдаланган ҳолда олиб борилди.

Худди шундай хавфсизлик тадбирлари Сергели туманидаги 562-сонли, Бектемир туманидаги 579-сонли мактабгача таълим муассасаларида ҳам давом эттирилди.

Ҳамза туманидаги 152-сонли, Шайхонтоҳур туманидаги 40-сонли умумтаълим мактабларида эса «Ёнғин содир бўлганда, мактаб раҳбарияти, ходимлари ва ўқувчиларни хавфсиз жойга кўчириш (эвакуация) ва даргоҳ фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Мазкур ўқув машқи уч босқичда ташкил этилиб, дастлабки босқичда бинонинг чордоғида ёнғин (шартли) содир бўлганлиги мактаб бўйича навбатчи ўқувчилар томонидан тезда сезилди. Шунинг натижасида, мавжуд техник мосламалар ва чопарлар орқали барчага хабар қилинди ва зудлик билан эвакуация тадбирлари ўтказилиб, 2 дақиқа ичида ҳамма ўқувчилар ўзларининг ўқитувчилари раҳбарлигида хавфсиз ҳудудга олиб чиқилди. Шундан сўнг иккинчи босқич бошланди. Мактаб фуқаро муҳофазаси тузилмасидан олинган маълумотга кўра, мактаб биносида 19 нафар ўқувчи ёнғиндан жароҳатланган ва эвакуация вақтида саросимага тушиш натижасида тутун ичида қолиб кетган. Мактабда ташкил этилган «Ёш қутқарувчилар» гуруҳлари томонидан ўқувчиларнинг 7 нафари хавфсиз ҳудудга олиб чиқилиб, мактаб санитар бўғини томонидан уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди.

Сўнгги босқичда туман (шаҳар)-нинг Қутқарув хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бригадалари ёнғин содир бўлган жойга етиб келиб, қутқарув хизмати томонидан бино ичида қолиб кетган, ўзлари мустақил ҳаракатлана ололмайдиган 12 нафар ўқувчи ва ўқитувчиларни эвакуация қилиш, ёнғин ўчириш хизматлари томонидан содир бўлган «тилсиз ёв»ни қуршаб олиш ва ўчириш, тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан эса жабрланган мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Энг муҳими, тактик-махсус ўқув машқлари орқали мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар, боғча тарбиячилари ва тарбияланувчилар Фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича муайян кўникмаларга эга бўлишди.

Азамат СУЮНОВ

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Барчанинг ҳаёти ўзига азиз.

* * *

Бўладиган ишнинг бўлгани яхши.

* * *

Буюрмаса, йиққандан нима фойда?

* * *

Иззатини билмаган хор бўлади.

* * *

Мустақил ҳаёт ҳеч қачон ҳеч кимга осон бўлмайди.

* * *

Одам боласи ўз имкониятидан катта нарсани талаб қилади.

* * *

Ёмоннинг иши туҳмат.

* * *

Ҳамма нарса ўтади,
Хотираси қолади.

* * *

Бош деворга тегмагунча кўз очилмайди.

* * *

Норози бўлиб берилган нарса юқмайди.

* * *

Бизга боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китобларнинг борлиги ҳақиқат.

* * *

Исрофгарнинг бири икки бўлмайди.

* * *

Яшашдан мақсад аслида бой бўлиш эмас, бахтли бўлиш.

Афсуски, аксар одамлар нақд бахтидан кечиб, насия бойликка интиладилар. Натижада, бойликка ҳам етолмайдилар, бахтларидан ҳам ажраладилар.

* * *

Одам ё феълидан топади, ё нафсидан.

* * *

Бир лаҳзалик ғазаб – бир кунлик азоб.

* * *

Гап таъсир қилмайдиган одамга садқайи гапинг кетсин.

* * *

Бир нарсага эришиш осон эмас.

* * *

Иши кўпнинг зерикишга вақти йўқ.

* * *

Бир куни имиллаб қўлдан берган имкониятингни кейин бир йил югуриб ҳам тополмаслигинг мумкин.

* * *

Бир кун ҳаракатдан тўхтасанг, бир қадам орқага кетасан.

* * *

Жамиятда бирор мавқега эришиш ҳам, эришилган мавқени сақлаб қолиш ҳам тинимсиз ҳаракатни тақозо этади.

* * *

Ташвишлар одамни улғайтиради.

* * *

Ўзининг устунлигини англашдан кишининг нафси ором олади.

* * *

Қанча қисқа гапирса, шунча маънили бўлади.

Кўп гапнинг ичида бемаъни гап кўп бўлади.

* * *

Ортиқча камтарлик ҳам манманликка киради.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Юртимизда кўплаб спорт турлари қаторида шарқ яккакурашлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бугун каратэ, ушу, муайтай, таэквондо, айкидо каби спорт турлари ёшларнинг севимли машғулотига айланган. Мамлакатимизда жадал оммалашаётган яккакураш турлари орасида энг ёши бўлган кэндо ҳам чиройли усуллари, ўзига хос жиҳатлари билан кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Спорт

КЭНДО — СПОРТ ВА САНЪАТ УЙҒУНЛИГИ

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, кэндо XV аср ўрталарида Японияда самурайларнинг қилич билан жанг ўтказиши натижасида келиб чиққанининг гувоҳи бўламиз. XVI асрга келиб эса самурайлар болаларни жанг санъатига ўргатишнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жанговар қилич ўрнига ёғоч қиличлардан фойдалана бошлади. Машғулотларда фойдаланиладиган қиличларнинг тобора такомиллашиб, кейинчалик бамбукдан ясалган қиличларга ўтилди. «Синай» деб номланган бамбук қиличларнинг ҳар жиҳатдан хавфсиз ва жароҳат етказмаслиги кэндо жанг санъатига қизиқувчилар сонининг ошишига хизмат қилди.

Кэндо жанг санъати аста-секин мамлакатнинг барча ҳудудларига ҳам ёйилди. 1920 йилга келиб, кэндонинг жанг санъати сифатида дастлабки техник қоидалари ишлаб чиқилди ва кэндо деган спорт тури юзага келишига замин яратди. 1929 йилга келиб Японияда кэндо бўйича илк мусобақа – Император кубоги бўлиб ўтди. Кейинчалик кэндо спорт тури сифатида оммалашиб борди.

2003 йилдан кэндо жаҳонга юз тутди ва бугунга келиб, Халқаро кэндо федерациясига дунёнинг 44 давлати миллий федерациялари аъзо бўлди.

Кэндо мамлакатимизга 2009 йилда кириб келди ва йилдан йилга ўзбек кэндочилари сони ортиб бормоқда.

– Кэндо билан ўғил-қизлар саккиз ёшдан шуғулланиши мумкин, – дейди кэндо спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Шуҳрат Алибоев. – Бошқа яккакураш турларига қараганда анча ёш бўлган кэндо шуғулланувчиларнинг жисмоний қувватининг ошиши, уларда чаққонлик, тезкорлик, чидам, сабр-тоқат, пухта ўйлаб тўғри қарор чиқариш каби хусусиятларни шакллантиради. Кэндо билан шуғулланиш тиббий томондан кишида қон айланиш ва асаб тизимини яхшилаши, тананинг тўғри ривожланиши, бўй ҳамда вазннинг ўзаро мутаносиблигини тўғрилаши мутахассислар томонидан исботланган.

Кэндо қилич ишлатиш санъатига асосланган бўлса-да, бугунги кунда хавфсиз спорт турига айлантирилган. Машғулотлар бамбук қиличларида ўтказилади, спортнинг ҳимоя воситалари мукаммал ишланган. Спортчи бошдан оёқ махсус ҳимоя кийимлари билан таъминланади.

Мамлакатимизда мазкур спорт турига қизиқувчиларнинг сафи тобора кенгайиб бораётганини инобатга олган Ўзбекистон кэндо федерацияси қатор турнир ва чемпионатларни мунтазам ўтказиб келади. Ўз навбатида мусобақалар иқтидорли ёш спортчиларни кашф қилмоқда. Ана шундай ёшлардан бири Бахтиёр Алибоев мамлакат чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

– Мен болалигимдан қиличбозликка қизиқаман, – дейди чемпион. – Кэндо билан икки йилдан буён мунтазам шуғулланяпман. Мақсадим жаҳон тан олган кучли спортчи бўлиб етишиш. Бу спорт тури ёшларни чиниқтириш билан бирга, ҳар томонлама баркамол тарбияланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон кэндо федерацияси раҳбари Шерзод Зокировнинг таъкидлашича, юртимизда камол топаётган кэндо усталари халқаро миқёсдаги мусобақаларга ҳам таклиф этилмоқда. Ана шундай мусобақалардан бири шу йилнинг март ойида Қозоғистонда ташкил этилади. Айни пайтда мураббийлар энг иқтидорли ва кучли спортчиларни ушбу мусобақага тайёрлашмоқда. Шунингдек, ёшлар ўртасида кэндони янада оммалаштириш федерациянинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

«ЛОКОМОТИВ» ТАРКИБИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ўтган йилги футбол мавсумида профессионал футбол лигаси жамоалари орасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалларига сазовор бўлган пойтахтимизнинг «Локомотив» командаси жорий йилги чемпионатда янада юқорироқ мақсадларга эришишга аҳд қилган кўринади.

Гап шундаки, БАА яшил майдонларида ўкув-йиғин машғулотларида иштирок этган темирйўлчилар трансфёр масалаларига жиддий эътибор қаратишмоқда.

Ҳозирда «Локомотив» жамоасида кўпчилик маҳоратли футболчилар мураббийлар синовидан ўтишяпти. Ўтган йили «Шўртан» шарафини ҳимоя қилган моҳир ҳужумчи Фарҳод Тожиев, шунингдек, «Бунёдкор» клубида ўйнаган Виктор Карпенко ва Руслан Мелзитдинов энди «Локомотив» сафида тўп суришади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Қатралар

ТУТДЕК БЎЛСАНГ ЭДИ...

Катта тутнинг шохига илашган токнинг бир новдаси ҳосил тугди. Ҳосилнинг кўплигидан тутнинг шохи хиёл эгилди.

— Мендан хавотир қилма, — токни хотиржам қилди тут. Узуминг ширага тўлиб, оғирлашганда ҳам синмайман. Шамолларда беланчакдек тебрансам ҳам хаёлинг бузилмасин.

— Менга ҳам қўрқмай илашавер. Тутнинг шох қўлоқларига гўё зираклар тақибсан. Ҳавасим келяпти, — деди токка тутнинг ёнидаги терак.

— Сен билан бирга ҳаёт кечиришдан қўрқаман, — эътироз билдирди ток.

— Нега? — сўради терак.

— Тик-димоғдор бўлиб ўсгансан. Шамолдан синиб кетсанг узумларим тўкилиб, увол бўлади-да. Тутга ўхшаб эгилувчан, камтар ва чайир бўлганингда эди...

МЕҲР ИПИ

Узоқроқ танишим билан ўртамизда «оламушук» ўтган эди. Орамиздаги тушунмовчилик пашшадек бўлса ҳам «рақибим»даги ғурур кўнглига филдек кўрсатарди. Ниҳоят «филдек» фикрини энг яқин ошнамга маъқуллаб, менга етказишни илтимос қилибди.

— Гинали гапингга воситачилик қилолмайман. Яхши гапинг бўлса тайёрман, марҳамат, — дебди шартта яқин ошнам. — Оғайним сен ўйлагандек эмас. Яхши томонингни гапиради холос. Тирноқдан кир қидирмайди, — дея менга нисбатан унда меҳр уйғотибди.

— Ундай бўлса нотўғри фикрда эканман, — депти у дўстимга.

Қадрдон дўстим ўша танишим билан узилай деб қолган меҳримиз ипини қайта чайнаб узилмас қилиб улади.

БАРАКАНИНГ БОШИ

Қадимда бир ака-ука далада барака уруғини сочиб, парвариш қилишибди. Олтиндек буғдой хирмонини уюшибди.

Холис бир одам хирмонни ўлчаб, иккига бўлибди. Хоҳлагинингизни олиб, бир-бирингиздан рози бўлинг дебди.

— Мен розиману, — дебди ака-ука. Янги рўзғорли, хирмонимдан икки қоп олиб укамникига қўшсангиз.

— Йўқ, — дебди ука. — Меникидан олиб, акамникига қўшсангиз. Жўжабирдек жон. Жиянларим ёш.

— Буёғи ўзларингизга ҳавола, — деди холис одам.

Атрофга қоронғу тушиб қолган эди. Ука хирмонга тунги қоровулчиликка қолди. Ака эрта тонгда буғдойни ташиб олиш учун машина билан келадиган бўлди.

Ука ой ёруғида ўз хирмонидан акасининг хирмонига икки қоп буғдой қўшиб кўнгли таскин топгач: Оллоҳ мендан рози бўлсин, — деди.

Эрталаб акаси ҳам худди шундай ишни қилибди.

Шу битигимдан сўнг яқин қишлоқдаги қариндошимникига бориб, бир воқеани эшитгач, ундан жуда таъсирландим. Ака-ука деҳқонлар биргалашиб картошка экишибди. Ҳосили мўл бўлганидан ичига сиғмасмиш. Аканинг аёли меҳнатнинг кўпини биз қилдик деб, эри билан келишиб, пайкалнинг ҳосилга бўлиқ жойидан кавлаб уйига ташийверибдию, ҳосилни совуққа қолдирмай биргаликда кавлаб олишни орқага чўзибди.

Тўсатдан тушган совуқдан ҳосиллар тоҳдек қотди.

— Иккимиз ҳам ғафлатда қолдик, — деди ака аёлининг сўзига кириб, адашганини сездирмай укасига.

— Тунда кеннойимнинг шарпасини сезсам ҳам сезмаганга олдим, совуқчилик тушмасин деб. Ҳосилнинг даромади ҳар икки оилани ҳам мамнун қиларди акажон. Аҳил бўлганимизда...

Уканинг гапи ҳақ:

Тўқликка бошлар аҳиллик,
Йўқликка бошлар бахиллик.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи — 5-7 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 февралда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зararли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 241
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13549 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ